



2021 йил "13" Январь

№ 28

Яйпан шаҳри

Ражабгарди МФЙ Ражабгарди кишлоғида яшовчи фуқаро Жўраев Иқболжонга Ражабгарди МФЙ Ражабгарди кишлоғи худудидан кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган умумий фойдаланишдаги бўш ер майдонида мавсумий фойдаланишга мукаммал қурилиш қилмаслик шарти билан енгил типдаги "Мева-сабзавотларни қабул қилиш ва тарқатиш шахобчаси" ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 20 ва 64-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида" ги қонунининг 6-моддасига асосланиб:

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Ражабгарди МФЙ Ражабгарди кишлоғида яшовчи фуқаро Жўраев Иқболжонга Ражабгарди МФЙ Ражабгарди кишлоғи худудидан кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бўш ер майдонида мавсумий фойдаланишга мукаммал қурилиш қилмаслик шарти билан енгил типдаги "Мева-сабзавотларни қабул қилиш ва тарқатиш шахобчаси" ўрнатишга рухсат бериш тўғрисидаги 2018 йил 14 ноябр кунги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Ражабгарди МФЙ Ражабгарди кишлоғида яшовчи фуқаро Жўраев Иқболжонга Ражабгарди МФЙ Ражабгарди кишлоғи худудидан жойлашган 225к-контурдаги 0,02 га кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бўш ер майдонида Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 20-моддасига асосан 5 (беш) йил муддатга туман ҳокимлиги билан ижара шартномаси тузган ҳолда мавсумий фойдаланишга мукаммал қурилиш қилмаслик шарти билан енгил типдаги "Мева-сабзавотларни қабул қилиш ва тарқатиш шахобчаси" ўрнатишга рухсат этилсин.

3. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси А. Хошимовга:

-мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан белгиланган тартибда фуқаро Жўраев Иқболжон ва туман ҳокимлиги ўртасида ижара шартномасини расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

4. Фуқаро Жўраев Иқболжонга мавсумий фойдаланишга "Мева-сабзавотларни қабул қилиш ва тарқатиш шахобчаси" ўрнатилишини архитектура-қурилиш меъёрлари ва талабларига асосан олиб бориш ҳамда ўрнатишга рухсат этилган ер майдони давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун керак бўлганда ва йўлни реконструкция қилиш ишлари вақтида ўз ҳисобидан зудлик билан "Мева-сабзавотларни қабул қилиш ва тарқатиш шахобчаси"ни бузиб, жойни бўшатиши зарурлиги эслатиб ўтилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И. Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



К. Джураев